

Абдуғаниев Олимжон Исомиддинович
Фарғона давлат университети, география кафедраси доценти, г.ф.д.

ПРОЕКТИРОВАНИЕ ЭЛЕМЕНТОВ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КАРКАСА В ЗЕМЛЕУСТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТАХ

Аннотация. Сегодня социально-экономический и политический уровень устойчивого развития всех сфер общества определяется уровнем решения экологических проблем. Поэтому при решении этих вопросов особое внимание уделяется созданию экологической каркаса, которая является основой сохранения биологического и ландшафтного разнообразия и обеспечения экологической стабильности. В статье анализируются теоретические и практические аспекты проектирования элементов экологического каркаса и определения возможностей расширения природно-заповедного фонда путем анализа структуры землепользования и оценки антропогенной нагрузки.

Ключевые слова: землеустройство, экологический каркас, охраняемые природные территории, устойчивое развитие, эколого-хозяйственного состояния, природно-заповедный фонд.

ЕР ТУЗИШ ИШЛАРИДА ЭКОЛОГИК КАРКАС ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ

Аннотация. Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жамиятнинг барча соҳаларини барқарор ривожланишини таъминланганлик кўрсаткичи экологик муаммоларни ҳал этилганлик даражаси билан белгиламоқда. Шу боис, бу масалалар ечимида биологик ва ландшафт хилма-хиллигини сақлаб қолиш ва экологик барқарорликни таъминлашга асос бўлувчи экологик каркасни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақолада ердан фойдаланиш тузилмасини таҳлил қилиш ва антропоген юкни баҳолаш орқали экологик каркас элементларини лойиҳалаштириш ҳамда табиат-қўриқхона фондини кенгайтириш имкониятларини аниқлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ер тузиш, экологик каркас, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, барқарор ривожланиш, экологик хўжалик-ҳолат, табиат-қўриқхона фондини.

DESIGNING ELEMENTS OF ECOLOGICAL NETWORK IN LAND MANAGEMENT WORKS

Annotation. Today, the socio-economic and political level of sustainable development of all spheres of society is determined by the level of solving environmental problems. Therefore, when solving these issues, special attention is paid to the creation of an ecological framework, which is the basis for preserving biological and landscape diversity and ensuring environmental stability. The article analyzes the theoretical and practical aspects of designing elements of the ecological framework and determining the possibilities of expanding the natural reserve fund by analyzing the structure of land use and assessing the anthropogenic load.

Keywords: land management, ecological framework, protected natural areas, sustainable development, ecological and economic condition, natural reserve fund.

Жамият манфаатларини қондиришда муҳим бўлган моддий неъматларни яратишда ер ресурсларининг аҳамияти каттадир. Шу боис, иқтисодиётнинг барча тармоқларини янада барқарор ривожланишини

таъминлаш мақсадида мавжуд ердан фойдаланиш тузилмасини экологик мақсадларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ер тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупрок унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг (2021) 12-моддасида «Ер тузиш ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади» деб белгилаб қўйилган. Ер тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг топшириғига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органлари томонидан амалга оширилади. Ер тузиш истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаш олдидан, хўжаликлараро ҳамда ички хўжалик ер тузиш турларига бўлинади [1]. Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаш олдидан амалга ошириладиган ер тузишга қуйидагилар киради:

- 1) республика ва унинг минтақаларининг ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш чизмаларини ишлаб чиқиш;
- 2) туманлар ва вилоятларнинг ер тузилиши чизмаларини ишлаб чиқиш;

3) тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ истиқбол режаларини, республика миқёсидаги ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш;

4) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг жойлашиши ва чегаралари белгиланишини асослаш.

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерларидан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;

2) аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари; 3) саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар; 4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар; 5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар; 6) ўрмон фонди ерлари; 7) сув фонди ерлари; 8) заҳира ерлар.

Ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни белгилашда биринчи навбатда ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши истиқболлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Бу эса, барқарор ривожланиш доирасида ҳудудларни режалаштириш ёндашувларига бироз зид эканлигини кўрсатади. Масалан, ер фонди таркибида фақат битта тоифадаги (табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган) ерлар қатъий экологик мақсадга эга бўлиб (асосан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар), уларнинг майдони бошқа ер тоифаларига нисбатан кичик майдонларни ташкил этади.

Ҳозирги кунда Фарғона водийсининг Ўзбекистон республикасига қаршли маъмурий-ҳудудий бирликлари бўйича МЭТХларни I, II, III ва IV тоифаларининг улуши Наманган вилоятида 1, 5 %, Фарғона вилоятида 0.2 % Андижон вилоятида 0.0 % га тенг бўлиб, минтақани барқарор ривожланишни таъминлаш учун табиат-кўриқхона фондига тегишли ер тоифаларини экстенсив кенгайтириб бориш талаб этилади [2; 3]. Шунингдек, муҳофаза

этиладиган табиий ҳудуд(МЭТХ)лар бир-бирлари билан боғланмаган бўлиб, бошқа ер тоифалари билан изоляция қилинган «орол»лар шаклида учрайди. Мазкур ер тоифаси мустақил равишда Фарғона водийсида экологик барқарорликни, барқарор ривожланишни ҳамда биологик ва ландшафт хилма-хиллиги(БЛХ)ни оптимал даражасини таъминлай олмайди. Шу боис, ўрмон фонди, сув фонди ва захира ерлари зиммасига бир қатор экологик функцияларни юклаш орқали экологик каркасни яхлитлигини ҳамда оптимал майдон катталигини таъминлашга эришиш мумкин.

Экологик каркасни шакллантиришда биринчи навбатда ҳудудни экологик-функционал жиҳатдан районлаштириш, яъни ердан фойдаланиш тузилмасини таҳлил қилиш асосида каркас элементларини аниқлаш талаб этилади [10; 11]. Турли даражадаги экологик каркасининг элементлари географик тизим ҳисобланади. Чунки, элементлар ўртасидаги функционал алоқадорлик ҳудудий яхлитликни ҳосил қилади. Ҳар бир элемент муайян функцияни бажариш имкониятига эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради ҳамда табиий, экологик, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлардаги барқарорликни бир маъромда ушлаб турувчи яхлит тизим сифатида намоён бўлади [4; 5; 6].

Юқорида белгиланган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш, асосан, табиат хилма-хиллигини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган янги ёндашувларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бундай ёндашувлардан бири экологик-хўжалик ҳолатни баҳолаш концепцияси бўлиб, унда инсоннинг хўжалик фаолияти билан табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлашган оптимал шаклини яратиш ва қўллаб-қувватлаш каби вазифалар белгиланган [7].

Барқарор ривожланиш концепцияси асосида ер тузиш соҳасини экологик такомиллаштириш масалалари экологик хўжалик-ҳолат(ЭХХ)ни баҳолаш ва уни оптималлаштириш билан боғлиқ тадқиқот ишларида ўз аксини топган [6; 8]. Бироқ, тадқиқотчилар томонидан ер тузиш ишларида ҳудудларнинг табиий, экологик ва иқтисодий-ижтимоий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда МЭТХларнинг тизимини шакллантириш муаммоси

етарли даражада кўриб чиқилмаган. Ер тузиш ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолаш, қулай экологик муҳитни сақлаш ва табиий ландшафтларни яхшилашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишни таъминловчи мажмуали тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг ер тузиш соҳасига оид қонун ҳужжатлари етарли даражада ландшафт экологияси тамойилларига асосан такомиллаштирилмаган. Бундай вазият геоэкология соҳасига оид назария билимларни амалиётга жорий этишда ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, ЎзРнинг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғриси»даги онунининг 4-моддасида «МЭТХлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади» деб, белгилаб қўйилган. Лекин, МЭТХлар тўғрисидаги қонунда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда экологик каркасининг ҳуқуқий асоси келтирилмаган.

ЭХХнинг моҳияти маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида ландшафт режалаштириш дастурига мос келадиган фойдаланиш турини жорий этиш орқали барқарор геоэкологик ҳолатни сақлаб қолиш билан белгиланади. Шу боис, ландшафтлар ёки маъмурий ҳудудий бирликлар доирасида антропоген босим кўрсаткичларини таҳлил қилишда ҳудуднинг ЭХХни аниқлаш энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Чунки, ЭХХ ландшафтнинг табиий имконияти билан антропоген босим ўртасидаги ўзаро нисбатни акс эттиради. Шу боис, ЭХХ концепциясида асосий эътибор, маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида ер фондининг тоифа ва турларига мос ҳолда, антропоген юк даражасини таҳлил қилиш орқали ер тузиш соҳасини экологик жиҳатдан такомиллаштиришга йўналтирилган. Шунингдек, унда инсоннинг ҳаёти ва фаолиятидаги барқарорликни таъминлашда муҳим бўлган экологик каркасни яратиш бош мақсад сифатида сингдирилган [2; 7; 8].

БЛХни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраш суръатларини пасайтириш, камёб ва йўқолиб бораётган турларни қайта тиклаш, экологик хавфсизликни таъминлаш каби муаммолар ечими бевосита МЭТХлар тизимини ривожлантириш билан боғлиқдир. Барча ер тоифалари ва турларидан фойдаланиш кўламидаги ўзгаришлар динамик хусусиятга эга бўлиб, бу жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос ҳолда ҳамда ўзига ҳос объектив сабабларга кўра юз бериб туради. Шунинг учун, янги МЭТХларни ташкил этиш жараёнида ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ер тоифалари ва турларини минтақа бўйича оптимал нисбатини аниқлаш зарурдир [9, 10]. Чунки, ер ва ер ресурсларидан фойдаланишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида табиат-қўриқхона фондини ташкил этувчи ер турлари тўғрисида ягона ёндашувлар мавжуд эмас.

Экологик каркас концепциясини амалга оширишда ландшафтли режалаштириш дастури алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосида ер тоифалари ва турлари бўйича экологик-хўжалик ҳолатини баҳолаш ишлари амалга оширилади. Экологик каркас таркибига киритилган ер тоифалари ва турлари мамлакат ер фондининг махсус ер тоифаси ҳисобланмайди. Ер турларини экологик каркас таркибига киритилиши улардан хўжалик мақсадида фойдаланишни тўлиқ тўхтатишни аниқлатмайди. Балки, ЭХХни баҳолаш натижаларига кўра айрим ер тоифаси ва турларидан фойдаланиш бўйича муайян чекловларни белгилаш ёки муайян ер турларини кенгайтириш ва қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. ЭХХни баҳолаш бўйича дастлабки методик ёндашувлар Б.И.Кочуров, Ю.Г.Иванов ва В.А.Лобковскийлар томонидан ишлаб чиқилган [2, 7, 8]. Ушбу методик ёндашувлар ердан фойдаланиш ва унинг таркибини оддий ўзгаришини эмас, балки ер тоифалари ва турларини экологиялаштириш учун асос бўлади. Бу эса, ер тузиш ишларида минтақада экологик хавфсизликни таъминлаш, БЛХни сақлаб қолишда муҳим бўлган объект ва ҳудудларда хўжалик

фаолиятини чеклаш ҳамда МЭТХлар тизимини ташкил этишни илмий жиҳатдан асослашга имкон беради.

ЭХХ концепцияси бўйича баҳолаш билан боғлиқ методик ёндашувларни бир қатор тадқиқотчилар ривожлантириб бораётганлигини кўриш мумкин. Масалан, Т.В.Краснова (2007) экологик-хўжалик мувозанатнинг энг оптимал шаклларида бири сифатида табиий ландшафтларга тутшиб ва уйғунлашиб кетган қишлоқлар тизимини ажратиб кўрсатган [2; 3]. Фарғона водийсида ЭХХни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида рентабелликни таъминлаш учун анъанавий ердан фойдаланиш шаклларини тиклаш ҳамда янги МЭТХларни ташкил этиш орқали экологик каркасни шакллантириш мумкин. Экологик-хўжалик ҳолатдаги барқарорлик ҳар-бир маъмурий туман ёки табиий-географик районнинг табиий ҳимояланиш даражасига боғлиқдир. Бу кўрсаткични Фарғона водийсидаги табиат-кўриқхона фондини ташкил этувчи ер турлари, яъни МЭТХлар, табиий ландшафтларнинг хилма-хиллиги, урочище даражасидаги муҳофаза зоналари, табиий ўрмонлар ва турли катталиқдаги «кўриқ»лар белгилаб беради.

Антропоген юк даражаси билан ландшафтнинг табиий имконияти ўртасидаги ўзаро нисбатни баҳолаш орқали ҳудуднинг экологик ҳолатини қандай даражада (маъқул ёки маъқул эмас) эканлигини аниқлашимиз мумкин. Бундай режалаштириш дастурига кўра, барча тоифадаги ердан фойдаланувчиларнинг мазкур ҳудудда фаолият кўрсатишлари мақсадга мувофиқ келиш-келмаслиги, антропоген босим кўрсаткичи ва миқдорига кўра аниқланади. Ландшафтли режалаштиришда ижтимоий-экологик омиллар билан бир қаторда иқтисодий омилларни ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада антропоген таъсир кўлами юқори бўлган Фарғона водийси мисолида минтақанинг табиий-аграр имконияти ва геоэкологик-хўжалик жиҳатдан зўриқиш даражасини баҳолаш методлари ишлаб чиқилган.

Экологик каркас ташкил этишдан мақсад маҳаллий даражадан тортиб минтақавий кўламгача бўлган оптимал ЭХХни таъминлашдан иборатдир. Бу борада дастлаб минтақавий даражадаги МЭТХлар тизимининг таркибини кенгайтириш ва такомиллаштиришга эътибор қаратилади, яъни ер фонди таркибини хўжаликдаги эҳтиёжларга ҳамда табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назарига кўра оптималлаштириш талаб этилади.

Б.И.Кочуров (2003, 2004) геоэкоосоциотизимда ердан фойдаланиш турлари ва тоифалари учун куйидаги улушни таклиф этади: кишлок хўжалиги аҳамиятига эга ерлар (кишлок аҳоли пунктлари билан)–22.5%; саноат ва транспорт аҳамиятига эга ерлар–2.5%; шаҳарлар майдони–5%; ўрмон ва сув фонди ерлари, кўриқхона, миллий боғ, буюртма кўриқхоналари, рекреацион зоналар ва бошқа табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга ерлар–70% [7; 8]. Шундай қилиб, экологик каркасда дастлаб маҳаллий кўламдаги экологик инфратузилмаларнинг интеграцияси ва бирлашуви рўй беради. Натижада, туман, вилоят, минтақа ва мамлакат миқёсида экологик барқарорлик шаклланиб боради. Бундай ёндашувнинг энг муҳим жиҳати табиий муҳитнинг сифатини яхшилаш ва геоэкологик муаммоларни олдини олиш учун ердан фойдаланиш турлари бўйича мавжуд антропоген босимни қайтадан тақсимлашда намоён бўлади.

Худуддаги табиат кўриқхона фондининг улуши, табиий ҳимояланиш даражаси ва заҳира ерлар экологик каркасни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун, тадқиқотда табиатни муҳофаза қилиш ҳамда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мазкур муаммоларни ҳал этиш йўналишларидан бири, яъни табиий-худудий комплексларни сақлаб қолиш, БЛХни муҳофазасини таъминлаш ва уларни тиклаш, экологик ҳолатни оптималлаштириш учун Фарғона водийсининг маъмурий-худудий бирликлари бўйича ер тузиш ишларини илмий жиҳатдан асослаш талаб этилади. Жамият томонидан геокомплексларга белгиланган ёки юклатилган ижтимоий-иқтисодий ва

экологик функциялар ердан фойдаланиш тузилмасида ўз аксини топади. Табиатдан фойдаланиш тури ва уни кўлами худуднинг табиий ресурс салоҳияти ва имкониятига мос келса, ишлаб чиқариш жараёнидаги натижаларнинг самарадорлиги ҳам юқори бўлади. Акс холда, олинган даромаднинг катта қисми экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга сарф бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. ЎРҚ-708-сонли Қонун. 2021 йил 16 август. <https://lex.uz/acts/152653>
2. Абдуганиев О.И., Комилова Т.Д., Турдибоева Ш.Х. Минтақа экологик-хўжалик мувозанатини баҳолашнинг геоэкологик йўналишлари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти, 56-жилд. -Тошкент, 2019. -Б. 26-32.
3. Абдуганиев О.И.. Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тизимини такомиллаштириш ва улардан фойдаланишнинг геоэкологик асослари (Фарғона вилояти мисолида) // Г.ф.д. (DSc) илм. дар. олиш учун тақдим. эт. дисс. –Т., 2023. –291 б.
4. Ахмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 340 б.
5. Елизаров А.В. Экологический каркас – стратегия степного природопользования // Степной бюллетень. – 1998. – Вып. 2–4. – С. 76–91.
6. Колбовский Е.Ю. Культурный ландшафт и экологическая организация территории регионов (на примере Верхневолжья): Автореферат ... д-ра геогр. наук / -В., 1999. -50 с.
7. Кочуров Б.И. Современное землеустройство и управление землепользованием в России // Устойчивое развитие сельского хозяйства и сельских территорий. Зарубежный опыт и проблемы России. – Москва, 2005. – С. 323–324.
8. Кочуров Б.И., Марунич Н.А., Хазиахметова Ю.А., Краснов Е.В. Экологически сбалансированная структура земель и энергоэффективность ведения лесного хозяйства в Приднестровье // География и природные ресурсы. 2017. №4. – С. 197-202.
9. Bouwma I.M., Jongman R.H.G. & Butovsky R.O. (eds) (2002). The Indicative Map of Pan-European Ecological Network - technical background document. (ECNC Technical report series).
10. Jongman, R.H.G. 2012. Ecological networks: a society approach for biodiversity conservation. In: Marschall, I., Gather, M., Мyller, M.(Eds.) Proceedings of the 1st GreenNet Conference, 31st of Jan. 2012: “The Green Belt as a European Ecological Network – strengths and gaps”, -P. 3–12.
11. Miklós L. et al., Ecological Networks and Territorial Systems of Ecological Stability. © Springer International Publishing AG, part of Springer Nature, 2019. -152 p.